XALQ DEPUTATLARI NAVOIY SHAHAR KENGASHI

Q A R O R I

2022 - yil 30 - mart VII-41-54-5-79-K/22 Navoiy shahar hokimligi

Навоий шаҳридаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинларининг чегараларини белгилаш тўғрисида

Навоий шаҳар “Жанубий” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 10 декабрдаги 01/185-сонли, “Лочин” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 9 декабрдаги 140-сонли, “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 7 декабрдаги 259-сонли хатларини инобатга олиб, маъмурий-ҳудудий чегараларини ўзгартириш орқали маҳалла фуқаролар йиғинларида бошқарув тизимини мувофиқлаштириш бўйича илтимосномаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Навоий шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Т.Ариповнинг Навоий шаҳридаги “Жанубий”, “Лочин” ва “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларини белгилаш тўғрисидаги ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Жанубий”, “Лочин” ва “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинларида бошқарув тизимини мувофиқлаштириш бўйича:

ер майдони 1-иловага мувофиқ;

аҳоли сони 2-иловага мувофиқ;

чегаралари 3-иловага мувофиқ;

ўзгартирилган чегара чизмалари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Навоий шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (Т.Арипов), шаҳар ИИО ФМБ (Ф.Бердиев), шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (В.Ражабов), шаҳар Статистика бўлими, шаҳар Давлат хизматлари маркази (А.Сафаров), Кадастр агентлигининг Навоий шаҳар бўлими (Ш.Жумаев) ва шаҳар қурилиш бўлими (Р.Холмўминов)ларга ҳамда бошқа тегишли мутасаддилар билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш топширилсин.

4. Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг 2022 йил 24 мартдаги VII-40-46-5-79-K/22-сонли қарори бекор қилинсин.

5. Шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати (Ў.Ўсаров) ва “Навоий зиёси” газетаси таҳририяти (С.Қурбонов)га мазкур қарорни ОАВларида расмий эълон қилиш ҳамда хокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари ҳамда Навоий шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (Т.Арипов) ва зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **М.Базаров**

Xalq deputatlari Navoiy shahar
Kengashining
2022 yil 30 martdagi
VII-41-54-5-79-K/22-son qaroriga
1-ilova

Навоий шаҳар “Жанубий”, “Лочин” ва “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинларининг маъмурий-худудий чегараларини ўзгартириш орқали маҳалла фуқаролар йиғинларида бошқарув тизимини мувофиқлаштиришда ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг ер майдонлари

1	“Жанубий ” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони	"Жанубий» маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий-худудий чегараларини ўзгартириш орқали қолган ер майдони
	23,4 га	**29,1**
2	“Лочин” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони	"Лочин» маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий-худудий чегараларини ўзгартириш орқали қолган ер майдони
	29,5	**25,8**
3	“Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони	"Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий-худудий чегараларини ўзгартириш орқали қолган ер майдони
	20 га	**18,0 га**

Xalq deputatlari Navoiy shahar
Kengashining
2022 yil 30 martdagi
VII-41-54-5-79-K/22-son qaroriga
2-ilova

Навоий шаҳар “Жанубий”, “Лочин” ва “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинларининг маъмурий-худудий чегараларини ўзгартириш орқали маҳалла фуқаролар йиғинларида бошқарув тизимини мувофиқлаштиришда ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳоли сони

Т/Р	**Маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони**	**Маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий-худудий чегараларини ўзгартириш орқали қолган аҳоли сони**
Навоий шаҳар “Жанубий” маҳалла фуқаролар йиғини		
1	**1883**	**2633**
Навоий шаҳар “Лочин” маҳалла фуқаролар йиғини		
2	**3950**	**4271**
Навоий шаҳар “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини		
3	**8191**	**7120**

Xalq deputatlari Navoiy shahar
Kengashining
2022 yil 30 martdagi
VII-41-54-5-79-K/22-son qaroriga
3-ilova

Навоий шаҳар “Жанубий”, “Лочин” ва “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинларининг маъмурий-худудий чегараларини ўзгартириш орқали маҳалла фуқаролар йиғинларида бошқарув тизимини мувофиқлаштиришда ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг чегаралари

Т/Р	**Маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий кўп қаватли уйлар сони**	**Маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий-худудий чегараларини ўзгартириш орқали қолган кўп қаватли уйлар сони**
Навоий шаҳар “Жанубий ” маҳалла фуқаролар йиғини		
1	Жанубий кўча 1, 1а, 2, 2а, 3, 4, 5, 6, 7а, 8, 10, 10а, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 21-уйлар.	Жанубий кўча 1, 1а, 2, 2а, 3, 4, 5, 6, 7а, 8, 10, 10а, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 21-уйлар. Ибн Сино кўчаси 37, 39, 41, 43-уйлар. Учқудуқ кўчаси 31-уй.
Навоий шаҳар “Лочин” маҳалла фуқаролар йиғини		
2	И.Каримов кўчаси 43,45,47,49-уйлар. И.Сино кўчаси 36, 37, 39, 40, 41, 42, 43-уйлар. Энергетик кўчаси 3, 5, 6, 8, 10, -уйлар. А.Авлоний кўчаси 35, 37, 39, 41, 43-уйлар. Учқудуқ кўчаси 31-уй.	И.Каримов кўчаси 43,45,47,49-уйлар. И.Сино кўчаси 32, 36, 40, 42-уйлар. Энергетик кўчаси 1, 3, 5, 6, 8, 10, 12 -уйлар. А.Авлоний кўчаси 35, 37, 39, 41, 43-уйлар. Жанубий кўчаси 20-уй.
Навоий шаҳар “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини		
3	Ибн-Сино кўчаси 20, 22, 24, 26, 32-уйлар Жанубий кўчаси 20, 29-уйлар. И.Каримов кўчаси 55, 57, 59, 61, 63-уйлар. Л.Толстой кўчаси 2, 4, 6, 8- уйлар. Энергитек кўчаси 1, 12-уйлар.	Ибн-Сино кўчаси 20, 22, 24, 26-уйлар Жанубий кўчаси 29-уй И.Каримов кўчаси 55, 57, 59, 61, 63-уйлар. Л.Толстой кўчаси 2, 4, 6, 8- уйлар.